Милоднинг IX—XI асрлари Марказий Осиёда илм-фан юксак тараккий этган ва буюк алломалар даври эди. Ўша даврнинг кенг билимли, пешкадам олимларидан бири Абу Абдуллох ал-Хоразмий бўлган.
Бу олим хакида сакланиб колган маълумотлар жуда кам. Олимнинг тўлик исми Абу Абдуллох Мухаммад ибн Ахмад ибн Юсуф ал-Хоразмийдир. Унинг ёшлиги Хоразмнинг Хива, Замахшар ва киёт шахарларида ўтган. Бу шахарларда у вояга етган, яшаган, таълим олган. Олим Хуросонда хам яшаган. Унинг машхурлиги вазир Абул Хасан ал-Утбий хузурида котиб бўлиб хизмат килган даврида чўккисига чиккан. Шу вазифаси туфайли у «ал-китоб ал-Хоразмий» номи билан хам танилган. Уз хизмат вазифалари юзасидан Бухорога тез-тез бориб турган ва кўпгина алломалар билан хамсухбат бўлган. Айни вактда илмга чанкок олим хизмат асносида амирнинг бой кутубхонасидан фойдаланиш хукукини кўлга киритган. Абу Абдуллох ал-Хоразмий 997 йидда вафот этган.
Олимнинг дунёкараши ўша даврда кенг таркалган кадимги юнон фалсафаси ва маданияти, Шарк намояндалари Ёкуб ибн Исхок ал-Киндий, Абу Наср ал-Форобий хамда Абу Бакр ар-Розий таъсири остида шаклланди.
Абу Абдуллох ал-Хоразмийнинг бизгача етиб келган, кўпчилик асарлари сингари ўша даврнинг илм тили — араб тилида битилган, ягона маълум асари — «Мафотих ал-улум» («Илмлар калитлари»)дир. «Мафотих ал-улум»нинг кўлёзма нусхалари жуда кўп эмас. Якин-якингача унинг тўрт нусхаси бор деб хисобланиб келинар эди. Ана шу тўрт нусхадан учтаси Буюк Британия музейида 7528, 23429 ва 2524 ракамлари хамда Берлин кутубхонасида 1051 раками остида сакланади. Америколик олим К. Босворт асримизнинг 60-йилларида ушбу асарнинг яна олти нусхасини Туркия кутубхоналарида борлигини аниклади. Барча олти нусха Истамбул шахридаги кутубхоналардадир.
Абу Абдуллох ал-Хоразмийнинг бу асари Ўрта асарлардаги фанлар ривожланиши тарихига оид камёб манба сифатида кўпгина олимларнинг диккат-эътиборини ўзига жалб этди. Биринчи бўлиб бу манбани ўрганган ва 1895 йилда нашр килган олим — голландиялик шаркшунос Ван Флотендир. Шунингдек, И. Ю. Крачковский, В. В. Бартольд, К. Брокельман, Э. Видеман, Г. Сартон, М. М. Хайруллаев, У. И. Каримов, Г. П. Матвиевская, Х. Хасанов, А. Шариповлар хам асарнинг турли томонларини тадкик килганлар.
«Мафотих ал-улум» ўзига хос комусий асар бўлиб, ўша даврдаги деярли хамма асосий фан сохаларини ўз ичига камраб олган. Муал-лиф Ўрта асрлардаги хар бир илм мазмунини шархлаш йўли оркали тушунтириб беради.
Олим илмларни иккига бўлиб, уларга «араб — шаръий» ва «араб бўлмаган»ларга ажратади Бу хол олим ўз даврининг намояндалари сингари илмлар таснифида уларни икки кисмга бўлиш анъанасига содик колганлигини кўрсатади.
Унинг биринчи анъанавий «араб» илмлари кисми ўн бир бобдан иборат фикх, етти бобдан иборат калом, ўн икки бобдан иборат грамматика (сарф ва нахв), саккиз бобдан иборат иш юргизиш, беш бобдан иборат шеър ва аруз хамда тўккиз бобдан иборат тарихдан ташкил топгандир. Иккинчи кисмига эса «араб бўлмаган» куйидаги илмлар киритилган: улар — уч бобдан иборат фалсафа, тўккиз бобдан иборат мантик, саккиз бобдан иборат тиб, беш бобдан иборат арифметика, тўрт бобдан иборат хандаса, шунингдек, тўрт бобдан иборат илм ан-нужум, уч бобдан иборат мусика, икки бобдан

иборат механика ва уч бобдан иборат кимёдир.
Шундай килиб, асар икки кисмдан иборат бўлиб, унда ўн беш илм тўксон уч бобда баён этилган.
Абу Абдуллох ал-Хоразмий илмлар таснифининг шакли куйидагича:
I. Шариат ва у билан боглик «араб» илмлари:
1. Фикх, яъни мусулмон хукукшунослиги.
2. Калом, яъни дин асослари.
3. Грамматика.
4. Иш юргизиш.
5. Шеърият ва аруз.
6. Тарих.
И. «Араб бўлмаган» илмлар (юнон ва бошка халклар):
1. Назарий фалсафа:
а) табиий илмлар — тиббиёт (тиб, самовий ходисалар — метеорология, минералогия, алкимиё, механика) — куйи;
б) риёзиёт илмлари (арифметика, хандаса, илм ан-нужум, мусика) — ўртанчи;
в) илохий, яъни метафизика — олий илм;
г) мантик.
2. Амалий фалсафа:
а) ахлок — этика (одамни бошкариш);
б) уйшунослик (уйни бошкариш);
в) сиёсат (шахарни, мамлакатни бошкариш).
«Мафотих ал-улум»да илмлар таснифи хар бир фаннинг предметини аниклаш хамда уларнинг асосий атамаларини киска ва аник баён этиш билан биргаликда олиб борилади. Бу ерда, биз зикр этганимиздек, Абу Абдуллох ал-Хоразмий уз таснифида ўша давр анъанаси, яъни илмларни иккига бўлишни кўллаб-кувватлаб, шаръий ва фалсафий илмларга ажратади.
АНЪАНАВИЙ «АРАБ» ИЛМЛАРИ. Шу илмлардан бири, фикхда муаллиф ислом конуншунослигининг асоси бўлган ва ислом хукуки посбонининг доимий дастури куръон, пайгамбар сўзлари, хикматли гаплари ва хаётларини акс эттирувчи Суннат, Хадис ва унинг хиллари; Ижмоъ — ислом жамоасининг якдиллик билан тан олган карори; шариат конун-коидаларига амал килишни, яъни тахорат килиш, намоз ўкиш, азон айтиш, рўза тутиш, закот тўлаш устида тўхтаб ўтади.
Иккинчи бўлим каломда ўша даврда Якин ва Ўрта Шаркда мавжуд бўлган кўпгина мазхаблар хакида маълумотлар берилган. Хусусан бу мазхабларнинг еттига бўлиб баён этилиши, айникса, муътазилийлар хакидаги мукаммал тафсилотлар мухим ахамиятга эгадир. Шу билан бирга грек-христиан мазхаблари, исломгача бўлган даврдаги Эрон ва Ямандаги диний эътикодлар, Хиндистонда таркалган баъзи дуалистик мазхаблар ва окимлар хамда зардуштийлик баён этилади. Бу маълумотлар Якин ва Ўрта Шарк хамда Марказий Осиёдаги халкларнинг динлари тарихини ўрганишда гоят катта ахамиятга эгадир.
Араб адабий тили грамматикаси, унинг конун-коидалари грамматика бўлимида баён этилган. Айни пайтда муаллиф араб шеърияти ва унинг таркибий кисмларидан бўлган аруз устида хам муфассал тўхталиб ўтган.
Иш юргизиш бўлими давлат девони, солик турлари ва олиниши, солик йигувчиларнинг вазифалари, аскарлар рўйхати, уларнинг кийим-кечаги ва тўланадиган маошлари,

ирригация шахобчачарида фойдаланиладиган атамалар, канал хиллари, сув ускуналари, икки дарё (Сирдарё ва Амударё.— Р. Б.) оралигидаги сугориш тизимлари хакидаги маълумотларни ёритиб бериши билан мухимдир.
Асарнинг тарих бўлимида афсонавий подшохлардан бошлаб, тартиб билан турли давр ва мамлакатлар маликлари, Умавийлар ва Аббосийлар халифалиги, исломгача бўлган даврдаги Яман тарихи, Рум ва Юнон тарихи хакида му.фассал маълумотлар келтирилган. Ўрта асрларда одамлар жамоасини табакаларга бўлиниши хам шу бўлим-да зикр этилади.
АНЪАНАВИЙ БЎЛМАГАН - «АРАБ БЎЛМАГАН» ИЛМЛАР. Бу илмлар каторида биринчи бўлиб фалсафа кайд этилиб, унда ушбу илм атамаларининг шархи билан бир каторда илмлар таснифи масаласи ёритилган.
Арастунинг мантикка оид китоблари шархи Хоразмий асарининг мантик бўлимида ўз аксини топали. Унда муаллиф Якин ва Ўрта Шарк хамда Марказий Осиёдаги ушбу илм хакидаги маълумотлар, олдинга сурилган ажойиб гоялардан фойдаланиб, уларни янада бойитди.
Асарнинг табиий илмларга оид бўлимлари Ўрта аср Шаркида илмий юксалиш даражасини ўрганиш нуктаи назаридан нихоятда маълумотларга бойдир. Тибга оид бўлимда касалликлар, содда ва мурак каб дорилар хакидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу бўлимда ўша давр табобатида маълум бўлган ва кенг таркалган мижоз хамда кон томири урушига караб касалликни аниклаш тўгрисидаги нодир тавсифлар берилган.
Кимё бўлимида хам Хоразмий Ўрта аср Шаркидаги кимёвий билимлар хакида нихоятда кимматли маълумотларни келтирадики, улар Шаркда табиий фанлар ривожини ўрганишда мухим ахамиятга эгадир.
Риёзиёт бўлимида Урта аср Шаркидаги математик илмлар холати баён этилади. Ал-Хоразмий математик тушунчани аклнинг ихтиёрий ижоди эмас, балки объектив оламнинг маълум томонлари, предметлар муносабатларининг инъикоси деб талкин этади.
Масалан, муаллиф Форобий гояларини давом эттириб. арифметикани иккига: назарий ва амалийга ажратади. У куб сонлар билан бир каторда шаклий сонларни кўриб чикиш билан назарий арифметиканинг баъзи бир томонларини бойитди. Хандаса хам назарий ва амалий кисмларга бўлинади, бу эса ўша даврда унинг бошка риёзиёт илмлари каби юкори даражада ривожланганлигидан далолат беради. Астрономия бўлимида унинг вазифаси билан бирга тарихига оид масалалар хам кўриб ўтилади.
Хоразмий ўз таснифида мусикани риёзиёт илмларига кўшади ва унда мусикавий асбоблар, товушларнинг ўзаро мутаносиблиги, тартиби, сози(лад) тавсифланади ва охирида ритм хакидаги таълимот кўриб чикилади.
Механика бўлимида, огир юкларни ва далаларни сугориш максадида ишлатиладиган курилмалар, яъни содда машиналар, уларнинг тузилиши ва вазифалари устида тўхтаб ўтилади, Хоразмий дунёвий илмлар устида тўхтаганда, уларнинг амалий ахамиятини очиб беришга харакат килади.
Умуман, асарда Абу Абдуллох ал-Хоразмий ўз даври табиий ва риёзиёт илмларини яхши билганлиги, уларни назарий фалсафага киритиш билан, бир томондан, уларнинг ахамиятини ошириш ва таъкидлаш, иккинчи томондан, фалсафани бойитишга интилганлиги ўз ифодасини топган. Ал-Хоразмийнинг «Мафотих ал-улум» асари Ўрта аср маданияти ва маънавиятини ўрганишда мухим ахамиятга эгадир.